

**Малика МАТМУРАДОВА,**  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
Диспетчерлик хизмати раҳбари



## ЗУЛФИЯ АСАРЛАРИНИНГ НАШРЛАРИ ВА БИБЛИОГРАФИЯСИ

*This article was written about the great poetess of her articles about her books translated into the Uzbek language and bibliographic analysis of the product Zulfiya*

Зулфия ХХ аср ўзбек шеъриятининг йирик вакилларидан биридир. У ўзининг теран фалсафий ва ҳаётбахш реалистик ижоди билан замонавий ўзбек шеъриятида янги саҳифа очди.

Бугун 100 йиллик юбилейи мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётган шоиранинг илк тўплами “Ҳаёт варақлари” (1932) 17 ёшида нашрдан чиққан эди. Кейинчалик “Темирой” (1933), “Алоқа” (1933) ва “Қизлар қушиғи” (1939) деб номланган тўпламлари дунё юзини кўрди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида “Хулқар”, “Уни Фарход дер эдилар” (1943), “Ҳижрон кунларида” (1944) ва бошқа тўпламлари нашр этилди.

1944 йил 3 июлда шоиранинг умр йулдоши, шеъриятдаги устози атоқли шоир Ҳамид Олимжон ҳалок бўлди. Зулфия Ҳамид Олимжон хотирасини ўзининг севги ва ҳижрон мотивлари билан тўлиқ асарларида абадийлаштирди. “Дейдиларки...”, “Ҳижрон кунларида”, “Юлдуз” (1944), “Не балога этдинг мубтало”, “Баҳор келди сени суроқлаб”, “Сен қайдасан, юрагим”, “Кўрганмидинг кўзларимда ёш” (1945) каби шеърларининг мундарижаси айрилиқнинг алами, соғиниш, муҳаббатнинг мангулиги каби ҳаётий туйғуларнинг гузал ифодасидан иборат.

Шоира “Мен тонгни куйлайман” (1950), “Дугоналар билан суҳбат” (1953), “Юрагимга яқин кишилар” (1958) тўпламларида ўзбек хотин-қизларининг ижодкорлик фаолиятини, садоқат ва ҳижронни, ишонч ва табассумни куйлайди.

1956 йил Дехлида ўтказилган Осие мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференциясида иштирок этган Зулфия жаҳон адабиётининг йирик вакиллари қатори сўзга чиқиб, ўз халқининг кундан-кунга ривожланаётган мада-

ният ва адабиёти ҳақида гапирди, мушоираларда шеърлар ўқиди. Машҳур “Мушоира” асари (1958) мана шу катта анжуманнинг ўчмас хотираномаси сифатида майдонга келди. Асарда турли халқ вакиллари маданияти, интилиши ва муштарак туйғулари образли ибораларда ифода этилган.

Шоиранинг турли йилларда “Ойдин Собирова” (1953), “Гулларим” (1959), “Танланган асарлари” (1959) “Ҳаёт жилоси” (1961), “Куйларим сизга” (1963, 1965), “Шеърлар” (1963), “Ўйлар” (1965, 1969), “Лолақизғалдоқ” (1970), “Қуёшли қалам” (1971, 1995), “Висол” (1972), “Асарлар” 1-т., “Шеърлар” (1974), “Асарлар” 2-т., “Достонлар, таржималар” (1975), “Йиллар, йиллар” (1975), “Шалола” (1976), “Капалак” (1978, 2004), “Ҳаёллар, туйғулар” (1982), “Адабий ўйлар” (1985), “Тонг билан шом аро” (1985) Асарлар 1- жилд “Шалола” (1985), “Асарлар” 2- жилд, “Мушоира” (1985), Асарлар 3- жилд, “Камалак” (1986), “Шалола”, “Тонг билан шом аро”, “Булут уйини” (1995), “Йиллар садоси” (1995), “Lolalar”



(2000), “Тонг билан шом аро” (2005), “Saylanma” (2011) каби асарлари нашр қилинган.

Шунингдек, Зулфиянинг рус тилида “Верность” (1943), “Я пою зарю” (1951), “Доброго утра, люди мира” (1952), “Лирика” (1958), “Стихи” (1959), “Стихотворения” (1961), “Живой дождь” (1965), “Дар долины” (1966), “Сердце в пути” (1966), “Сюзане” (1966). “Моя весна” (1967), “Водопад” (1969), “Поэма огня и дороги” (1972), “Строки памяти” (1974, 1975, 1978), “Избранное” (1975), “Такое сердце у меня” (1978), “Лишь любовью одной...” (1981) каби китоблари чоп этилган.

Хассос шоирамизнинг шеърларидан қилинган таржималар арман, болгар, форс, қорақалпоқ, қозок, белорус, озарбайжон, бошқирд, қрим-татар, украин, тожик, қирғиз, татар тилларида алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган ва шунингдек, бошқирд, литва, поляк, хорват, марий, қозок, тожик, туркман, қорақалпоқ, белорус, даргин, эстон, қирғиз, латиш, украин, арман, грузин, қабардин, татар, молдаван, қрим-татар тилларидаги газета, журнал ва тупламларда босилиб чиққан.

Зулфиянинг бадий ижодида мутаржимлик фаолияти ҳам сермахсуллиги билан ажралиб туради. У Н.А.Некрасовнинг “Рус аёллари” достонини, Мустай Каримнинг “Ой тутилган тунда” асарини, А.С.Пушкиннинг “Мен сизга ачинмайман...”, “Йук, йук муҳаббатнинг...”, “Уйладимки”, Демьян Беднийнинг “Зийнатнинг қасами” поэмасини, Александр Гинзбургнинг “Там-там садалари” драматик достонини, Габриэла Мистралнинг “Оналар айтган достонлар”ни, Леся Украинанинг “Марварид ёшлар”, “Қуйлар”, Соломея Нериснинг “Менинг улкам”, “Салом”, Марина Цветаеванинг “Мен шоирманми ҳали...”, “Севги”, “Кеча термулардинг...” каби шеърларини, шунингдек Михаил Лермонтов, Анна Ахматова, Елизавета Багряна, Десанка Максимович, Маргарита Алигер, Мирзо Турсунзода, Сулаймон Рустам, Людмила Татьяничева, Қайсин Қулиев ва бошқа шоирларнинг шеър ва поэмаларини таржима қилиб, ўзбек китобхонларига тақдим этган. Бундан ташқари шоиранинг ангола, болгар, миср, непал, покстон, ҳинд шеърятидан таржималари ҳам мавжуд.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия жамоатчилик фаолияти билан ҳам танилган эди. У Ўзбекистон – Ҳиндистон дўстлиги жамиятининг президенти, Осиё ва Африка халқлари Бирдамлик комитетининг аъзоси, хотин-қизларнинг Халқаро демократик федерацияси кенгашининг аъзоси, Осиё ва Африка ёзувчилари Халқаро Ассоциациясининг фаол ташкилотчиларидан бири бўлган.

Республикамизнинг миллий мустақилликка эришиши Зулфия илҳом булоғининг кўзини очиб юборди. Йиллар давомида кимтиниб, ҳақиқатни бор бўйича айта олмай, юраги ўртаниб юрган шоира янги давр келганини теран ҳис этди. 1995 йил бошларида ёзган “Шаркнинг ўзи она бўлган ҳамиша”, “Икромга вақт етди” каби шеърлари, “Хотирам синиклари” достони шоира ижодининг янги саҳифасини ташкил этди.

Истиқлол даврида Зулфия ижоди ҳам, унинг инсон, шоира ва жамоат арбоби сифатидаги мавқеи ҳам алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июлдаги Фармони билан мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлирида аъло хулқи, ўқишдаги муваффақиятлари ижтимоий фаоллиги билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ҳамда жамоатчилик фаолиятидаги алоҳида ютуқлари учун бериладиган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ана шу эътирофнинг амалдаги нишони эди.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида Зулфия ҳаёти ва ижоди буюк жасорат рамзи сифатида таърифланган: “Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам мен ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу зақоси, фазлу қамолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболаға бўлмайди. Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тулиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аягани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо ғам-андуҳ ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир”<sup>1</sup>.

Шуниси муҳимки, Зулфия асарлари нашр этилиши билан бир қаторда нашрларининг рўйхати ва библиографик қўлланмалар, биобиблиографияси тузилган. Маълумки, адабий библиография учун махсус бўлмаган китоб ичида ва китоб охирида бериладиган библиографик ахборотлар-

1 Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 166 – 167.



ни ишлаб чиқиш ва тарқатиш йули ҳам мавжуд. Китоб ичида ва охирида бериладиган библиографик материалларнинг афзаллиги улар аниқ китобхонлар доирасига эгаллигидадир. Бундай библиографик материаллар тезкор равишда пайдо буладиган китобхон талабига жавоб беради.

Жумладан, профессор Лазиз Қаюмовнинг “Шоира Зулфия” (Ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк) китоби 1965 йилда “Бадий адабиёт” нашриётида чоп этилган. Китобнинг 111 ва 113 саҳифаларида библиографик маълумотлар берилган бўлиб, унда 1932 йилдан 1964 йилгача бўлган даврда чоп этилган манбалар акс эттирилган. Дастлаб, шоиранинг асарлари, таржимаи ҳолига оид манбалар, кейин Зулфиянинг ўзбек тилида нашр қилинган 14 ва рус тилида нашр қилинган 6 та китобининг рўйхати, шоира ижоди ҳақида ўзбек тилида 11 та ва рус тилида 9 та манба берилган.

Яна шу муаллифнинг 1975 йилда “Адабиёт ва санъат нашриётида” чоп этилган “Зулфия” (Адабий портрет) рисоласида шоиранинг ижоди таҳлил этилган. Шунингдек, китобда Зулфиянинг автобиографияси ҳам илова қилинган. Китобнинг 172–175 саҳифаларида унинг таржимаи ҳоли берилган. 1932–1974 йиллар ичида ўзбек тилидаги нашр қилинган 21 та алоҳида шеърӣ тўпламлари, дostonлари, очерклари хронологик тартибда берилган. Рус тилида нашр қилинган асарларининг хронологик чегараси 1943–1975 йиллар билан кифояланган. 1960–1973 йиллар давомида козoқ, арман, қорақалпоқ, тожик, белорус, озарбайжон, бошқирд, крим-татар, қирғиз, украин тилларида нашр қилинган алоҳида шеърӣ тўпламлари, шунингдек, чет тилларда, яъни

хитой, болгар, форс тилларида нашр қилинган асарлари ҳам жамланган. Зулфия ижоди ҳақида илмий манбалар ҳам берилган бўлиб, унда 8 та манба акс эттирилган.

Ҳакима Ҳасанованинг “Аёл қалбининг куйчиси” китоби 1976 йилда “Фан” нашриётида чоп қилинган. Китобда Зулфиянинг эстетик қарашлари, шоира лирикаси мавзу ва образлари таҳлил қилинган бўлиб, рисоланинг охирида шоира асарларининг библиографияси берилган. Адабиётлар иккита бўлимда тизимлаштирилган. Дастлаб, Зулфия таржимаи ҳолига доир мақолалар 5 та манба, ўзбек тилида нашр қилинган асарлари 1932–1974 йилгача 22 та китоби, рус тилида 1943–1972 йилларда нашр қилинган 16 та манба берилган бўлиб, манбалар хронологик жойлаштирилган. Қозoқ, қорақалпоқ, тожик, арман, белорус, қзарбайжон, бошқирд, крим-татар, қирғиз тилларида нашр этилган 11 та библиографик рўйхат берилган. Зулфия ижоди ҳақида илмий адабиётлар бўлимида (1932–1975) у ҳақидаги китоблар, илмий тўпламлардаги, китоблар суз бошсида берилган манбалар, журнал ва газетларда чоп қилинган, 56 та ўзбек тилидаги манбалар берилган. Бирок бу бўлимда манбаларнинг муаллифлари алифбо ёки хронологик тартибда жойлаштирилишига эътибор қилинмаган.

Т.Абдукаримов ва А.Шукуровларнинг “10-синфда Зулфия ижодини урганиш” (1979) китобида Зулфиянинг ҳаёти ва адабий фаолиятига доир синхроник жадвал берилган, шунингдек, шоира асарлари нашрларининг ўзбек тилидаги 26 таси, рус тилидаги нашрларининг 15 таси, бошқа республикаларидан чоп этилган

14 таси рўйхати берилган. Адабиётларнинг хронологик чегараси 1932–1978 йилларни ўз ичига олади.

1962 йилда Ф.И.Байбекова тахрири остида нашр қилинган “Ўзбек адабиёти 1940-1958” библиографиясида Зулфиянинг чоп этилган асарларининг 97 тасининг рўйхати берилган. Дастлаб, алоҳида нашр қилинган асарлари, вақтли матбуотларда нашр қилинган поэзия, прозаси, мақолалари ва ҳаёти ва ижоди туғрисидаги нашрлари алифбо тартибида берилган.

“Шеърят кўши” (2000) Зулфия таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан тузилган услубий-библиографик тавсияномада, шоиранинг ҳаёти ва ижоди туғрисида маълумотлар ва шоиранинг ижоди ҳақида китобхонлар билан утказиладиган тадбирлар туркумлар берилган. Шунингдек, шоиранинг 38 та асари ва 22 та таржима қилинган асарлари ҳамда унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги 42 та асарнинг рўйхати берилган.

1977 йилда “Фан” нашриётида Р.Ибраҳимова ва М.Ғуломовалар томонидан тузилган “Зулфия биобиблиография”си чоп этилди. Унда XX аср ўзбек шеърятининг йирик вакили сифатида Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди йилномаси, асарларининг алоҳида нашрлари, газета, журнал ва тўпламларда босилган поэзия, проза, публицистик, драматургияси, таржималари, адабий-танқидий материаллар, сўз боши ёзган ва таҳрир қилган асарлари, рус тилидаги таржималар, қардош халқлар ва хоржий тиллардаги нашрлари ва ҳаёти ва ижоди ҳақидаги 1931 йилдан 1975 йилгача нашр қилинган 1386 номдаги ҳужжатлар акс эттирилган. Биобиблиографияда алоҳида нашрларнинг мундарижаси келтирилган.

Библиография 5 та йирик бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда Зулфия асарларининг алоҳида нашрлари, газета, журнал ва тўпламларда босилган асарлари, дастлаб поэзия, публицистика, драматургия, таржималари, қардош халқлар адабиёти ва чет эл адабиётларидан қилган таржималари, сўз боши ёзган ва таҳрир қилган ўзбек ва рус тилидаги 558 манбалар берилган.

Иккинчи бўлимда Зулфия асарларининг рус тилидаги алоҳида нашрлари ва вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган 138 асарларининг рўйхати берилган.

Учинчи ва тўртинчи бўлимларда қардош халқлар ва жорижий тилларда нашр қилинган 160 та асарларининг библиографик тасвири, бешинчи бўлимда эса Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди туғрисида ўзбек, рус ва бошқа тилларда чоп

қилинган 530 ҳужжатлар акс эттирилган. Барча бўлимларда материаллар хронологик тартибда жойлаштирилган. Курсаткич исмлар курсаткичи билан таъминланган.

Техника фанлари номзоди, доцент У.Ф.Каримовнинг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида яратилган тулик матнли маълумотлар базалари” мавзусидаги илмий мақоласида Зулфия таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан шоиранинг уч жилдлик “Асарлар”и асосида тулик манли маълумотлар базаси яратилганлигини таъкидлаган. Мақолада Зулфия ижодига бағишланган электрон каталог интерфейсидан намуна ҳам келтирилган. Муаллиф маълумотлар базасига киритилган ҳужжатлар харақтерига қараб гуруҳларга бўлинганлигини ҳам таъкидлаб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш туғрисида” 2014 йил 31 октябрь қарорига мувофиқ кутубхоналарда, ахборот–кутубхона муассасаларида шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар, мавзули ва мунозара кечалар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар сингари купгина тадбирлар режалаштирилган. Бу борада Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам шоира ижодини тарғиб қилишда анча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, методик-библиографик қўлланма, Зулфиянинг биобиблиографияси нашрга тайёрланди.

Ҳозирги кунда Зулфиянинг Миллий кутубхона фондида мавжуд китобларининг электрон шакллари тайёрланиб, “www.natlib.uz” сайтига қўйилди. Унда дастлаб, Зулфия шеърларининг ўзбек ва рус тилларидаги 56 та нашри, Зулфия асарларининг 5 та таржималари, Зулфия ҳақидаги 18 та, “Зулфия қизлари” рукнида 4 та нашрнинг электрон шакллари яратилиб қўйилган.

Зулфия шеърятини – чинакам шеърят. Унда порлоқ ва теран фикр, шу фикрни ёрутувчи зиё, ҳарорат бор. Бу дилларимизга эзгулик, гузаллик уруғларини экади, ундиради, вояга етказди. Зулфия шеърлари ҳар биримизни Ватанимиз, халқимиз учун келажак авлодлар бахт-саодати учун улугвор ишларни амалга оширишимизда кудратга ёр этади.

Хулоса қилиб айтсак, шоиранинг юксак ижоди, мафтункор шеърятини қалбимизда олижаноблик ва гузаллик туйғуларининг барқарор бўлишига хизмат қилаверади.